

---

## "ЯХШИЛАР ҚАЛБИДАМАН"

Ёзёвонимиз бой тарихга эга. Унинг тарихини беаган унинг улуғ инсонларидир. Халқ ҳофизи Акбар Ҳайдаров, мулла Йўлдош охунд домла, шоир ва уламолар тошҳовузлик ота-бола Ғурбатий ва Мажрухий, ёзувчи, шоир, таржимон Тўхтасин Жалолов, ёзувчи ва таржимон Тилаволди Жўраев шундай инсонлардир. Яна Муҳаммадали ҳожи домла, "Ёзёвоннинг виждони эди", деб тарифлаган Ҳусанбой Қосимов улуғлар қаторидадир.

Бир йил бурун Ҳусанбойнинг укаси ФарДУ профессори Абдуғофур Қосимов "Ҳусанбой акам ҳақида бир хотира китоб қилсак", деб қолди. Мен қувониб кетдим. Сабаби, Ҳусанбой каби барчага фақат яхшилик тилайдиган, ҳалол, покиза, ахтариб ҳам айб топиб бўлмайдиган инсонлар одамлар хотирасида абадий қолишини жуда-жуда истаيمان.

Мана бугун ана шу муддао амалга ошиб турибди. Ҳусанбой Қосимов ҳақида "Яхшилар қалбидаман" деб номланган китоб босмадан чиқди. Кўзимда ёш билан ўқиб чиқдим, бу китобни. Бу китоб Ёзёвон адабий муҳитида бир дурдона асар бўлди. Бу китобни тумандаги барча ўқув муассасаларида тақдимотларини ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир қувончли воқеа- кун кеча туман "Марказий Фарғона" газетаси ва ҳокимлик ахборот хизматига янги бинони топшириш маросими бўлиб ўтди. Ҳокимнинг бундай эътибори бизни яхшилар, улуғларимиз ҳақида тинмай ёзишга ундайди.

Аҳмаджон ИСМОИЛОВ,

меҳнат фахрийси.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-04-29 17:30:38